

ОБРАЗЛИ ТАФАККУРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНИ

Ахмедова Нилуфар Сафаровна

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Образли тафаккур, тургун ўхшатиш, метафора, нутқий этикетлар, топишмоқлар, лингвмаданий бирлик, ментал ўзига хослик

Аннотация

Мақолада образли тафаккурнинг фалсафий, психологик жиҳатлари билан бирга лингвистик табиати ҳақида фикр юритилади. Образли тафаккурнинг универсал тафаккур шакли саналиши баробарида муайян халқнинг ментад дунёқарашини ўзида акс эттириш ҳолатлари тадқиқотчи олимларнинг илмий изланишлари асосида очиб берилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Маълумки, предметлар доимо серқирра ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бир образ тафаккурда бир неча предметга нисбатан қўлланиши мумкин. Масалан, *одамнинг тиши*, *арранинг тиши*, *тароқнинг тиши* каби бирикувларда *одамнинг тиши* тафаккурдаги асосий образ бўлиб, **тиш** предметига хос *янчиш*, *майдалаш*, *бўлаклаш*, *бир хил кетма-кетликда жойлашиш* каби хусусиятлар шу образнинг бошқа предметлар (арра, тароқ)га нисбатан қўлланишига сабаб бўлмоқда. Образларнинг бундай ўзига хослиги орқали ҳосил қилинган тафаккур шакли *образли тафаккур* атамаси билан номланади. Бу тафаккур кўриниши фалсафа, психология, мантик, нейробиология соҳалари билан бир қаторда тилшуносликнинг ҳам тадқиқ манбаи сифатида тил ва тафаккур муносабати доирасида ҳамда сўзнинг коннотатив маъноси доирасида тадқиқ этилган.

Хусусан, образли тафаккурнинг нутқда лисоний бирликлар орқали ифодаланиши жаҳон тилшунослигида В.Фон Гумбольдт, А.А.Потебня, В.В.Виноградов, А.А.Шахматов, Н.Д.Арутюнова, В.К.Харченко, В.Н.Телия, В.Г.Гак, О.И.Блинова, Г.Н.Скляревская, Б.А.Серебрянников кабиларнинг илмий изланишлари доирасида ўз аксини топган.

Тил моҳиятига юксак баҳо бериб, уни инсон сиру синоати, халқлар табиатининг ўзига хосликларини очиб берувчи асосий восита¹ сифатида эътироф этган немис мутафаккири В. Фон Гумбольдт фикрича, тил ҳаётнинг қайси жабҳасида ютуққа эришган бўлса, унинг асосий манбаси оламни кўришдаги жонлилик ва образлиликдир². Дарҳақиқат, образли фикрлаш тафаккурдаги образларнинг тинимсиз ҳаракати ва бир-бирига таъсири натижасида юзага келар экан, у тил (нутқ)да сўзлар ва уларнинг маънолари ўлароқ моддийлашади. Зеро, “тил (нутқ)

¹ Гумбольдт В. Фон Избранные труды по языкознанию. – М.: ОАО ИГ “Прогресс”, 2000. – С. 3.

² Гумбольдт В. Фон Кўрсатилган асар. – Б. 99.

фикрни шакллантирувчи аъзодир”³.

А.А.Потебня эса сўз ва унинг маъноси хусусидаги мулоҳазаларида сўз жонли тасаввури билан образли ҳамда бадиий сўз эканлигини уқтиради. Сўз нутқ ва фикрнинг ижодий акти сифатида товуш ҳамда маънодан ташқари ўзида яна тасаввурни (ёки ички шаклни), бошқача айтганда, “маъно белги”сини ҳам мужассам қилишини таъкидлайди. Буни бола *лампа қопқоғи* (абажур)ни *тарвузча* деб атаганда *тарвуз* сўзининг маъносидан ажралиб чиққан *шарсимонлик* белгиси орқали бу сўзнинг ички шаклини ёки тасаввурини ҳосил қилиши мисолида изоҳлайди. Бундай ҳолда тасаввур тегишли образ ёки тушунчанинг алмашилиши учун (фикрий тезлик ва онгни кенгайтириш учун) зарурат эканлигини алоҳида таъкидлайди⁴. Бизнингча, олим бу ўринда образли тасаввурга ишора қилмоқда. Чунки келтирилган мисолда боланинг ҳодисага образли ёндашуви кузатиляпти. В.В.Виноградов эса олимнинг “ички шакл” тушунчасига А.Марти фикрлари билан қуйидагича изоҳ беради: “Сўзнинг ички шакли – бу (“сопредставление”, “созначение”) товуш ва маъно оралиғидаги бўғин (звено). Бу шакл ижтимоий муҳит ва даврнинг руҳий ҳамда маданий-тарихий ўзига хосликлари асосида юзага келган у ёки бу маънони образли ифодалаш усули”⁵. Яъни “ички шакл” ёки “маъно белгиси” дея эътироф этилаётган ҳодиса сўз ифодалаётган нарса, белги, ҳаракат, ҳолатнинг шу муҳитда қай даражада мавжудлиги билан алоқадор жараёндр. Масалан, **саҳифа сўзи ўзбек тилида “1) китоб, дафтар ва ш. к. варағининг ҳар бир томони; бет; 2) варақ бетигаги матн; 3) газета, журнал ва ш. к. нинг маълум масалага бағишланган ёки бирор умумий мавзу билан боғланган бир бети; 4) кўчма давомли бутун бир ҳодиса, ҳаёт ва ш. к. нинг айрим даври (шоир ҳаётининг шонли саҳифалари)⁶ каби маъноларда қўлланади. Кўринадики, тафаккурдаги образ тилда сўз орқали акс этар экан, у борлиқдаги ўзининг предмети хоссасидан ажралмайди. Балки, “нечта хосса бўлса, шунча ифода”⁷ сифатида ҳосила бераверади. Яъни **саҳифа** предметидаги кетма-кет кела олиш хоссаси умр саҳифаси, тарих саҳифалари каби образли ифодаларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.**

Б.А.Серебренников образли тафаккурнинг асосий унсурлари сифатида ташқи оламдаги предметлар образларининг ҳаракатланишини, аниқроғи, у хотирада бутун бошли конкрет вазиятларни ёки улардан лавҳаларни, худди шундай вазият атрофидаги одамлар, ҳайвонларни ҳам акс эттиришини таъкидлайди. “Бу тафаккур кўриниши мутлақо хотира фаолиятига таянади, – деб фикрини давом эттиради олим. – Бундаги барча жараёнлар табиий алоқадорликда бўлиб, мантиққа асосланади. Образли тафаккур ҳар бир инсонга хос, аммо кўпинча унга рассомлар, бастакорлар, режиссёр, ёзувчилар мурожаат этишади”⁸.

Бизнингча, образли тафаккурдаги табиий алоқадорлик ва мантиқдан мурод борлиқдаги предметлар хоссаларининг бир-бирига таъсири, алоқадорлиги назарда тутилади. Нутқда *оқ йўл, қора кун, оғир масала* каби образли ифодалар кузатилади. Гарчанд бутун бошли йўлни оқ рангга бўйаш ёки куннинг қора рангли эканлигига гувоҳ бўлиш, турмушнинг вазнини ўлчаб кўриш каби хатти-ҳаракатлар мантиққа зид бўлса-да, бу бирикувлардаги *оқ, қора* – ранг, *оғир* – ҳажм-ўлчов белгиларини билдирувчи сўзларнинг борлиқда ғуборсиз (оқ), мавҳум (қора), юк нуқтаи назаридан ортиқча куч талаб қилувчи (оғир) нарсаларга нисбатан қўлланиши – айна ҳақиқат. Шу сабабдан бундай бирикувлардан нутқда ҳеч эътирозсиз, эркин қўлланилади.

Образли тафаккур ўз ифода шаклига кўра метафора, метонимия, ўхшатиш, жонлантириш,

³ Гумбольдт В. Фон Кўрсатилган асар. – Б. 4.

⁴ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. 1-2. – Харьков, 1888. – С. 6-7.

⁵ Виноградов В.В. Русский язык. – М., 1972. – С. 9-45.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 467-468.

⁷ Гумбольдт В. Фон Избранные труды по языкознанию. – М.: ОАО ИГ “Прогресс”, 2000. – С. 106.

⁸ Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и мышление. – М.: Наука, 1988. – С. 193-194.

муболаға, эпитет, оксюморон каби ҳодисаларни камраб олар экан, бу мавзу доирасидаги фикрлар ҳам унинг ўзига хос хусусиятларини конкретлаштиришга қўмаклашади. Хусусан, Н.Д.Арутюнова метафора борасидаги мулоҳазаларида: “Биз умумий чизгиларда метафора бадий (поэтик) матннинг таркибий қисми эканлигини ҳамда нутқнинг бошқа турларида қўлланишига сабаб сифатида уларда ҳам поэтик тафаккур ва дунёни образли тасаввур қилиш элементлари мавжудлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик”⁹, деганида образли тафаккурга ҳаётнинг барча жабҳаларида эҳтиёж сезилишига урғу беради.

Образли тафаккурнинг лисоний бирликлар орқали нутқий вокеланиши ўзбек тилшунослигида махсус, алоҳида ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилинмаган бўлса-да, М.Миртожиев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Б.Умурқулов, Ш.Сафаров, Д.Худойберганова, М.Йўлдошев, Ш.Махмараимова кабиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Б.Умурқулов “Поэтик нутқ лексикаси” китобида таъкидлаганидек, “Образли ифодалар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бундай ифодалар ижодкорнинг катта меҳнати ва ўтқир тафаккурининг самараси сифатида вужудга келади. Баъзан бир фикрни баён этишда қатор-қатор образли ифодаларнинг қўлланилгани кузатиладики, бу ҳолатни кўпроқ поэтик нутқ учун хос деб баҳолаш мумкин”¹⁰. Образли ифодалар ҳам образли тафаккур маҳсули. Бу ўринда билдирилаётган фикр фақат ижод жараёнига тегишли бўлиб, ибтидоий давр кишиларининг ҳамда бугунги кунда болалар нутқида қўлланган ва қўлланаётган образли тафаккур маҳсуллари махсус тайёргарликни, “катта меҳнат”ни талаб қилмай, балки муаммоларнинг ечими, вазиятларни баҳолаш мақсадида одатий тафаккур фаолияти сингари рўёбга чиқаверади. Чунки ижодкор фақат ижод жараёнидагина образли тафаккурга мурожаат этади. Мактабгача ёшдаги болаларда эса тафаккур шаклининг ўзи образлидир.

Маълумки, образлилик ҳам образли тафаккур натижаси ўлароқ юзага келади. Профессор М.Миртожиев: “Сўз ҳосила маъноси метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тобелилик ҳодисаларининг барчасига кўра юзага келади... Маълум сўзда ҳосила маъно юзага келтирилган экан, кўп ҳолларда ифоданинг образлилигини таъминлаш мақсад қилиб олинади... Сўзнинг юзага келган ҳосила маъноси образлиликни маълум вақт ўтгач, йўқотиши мумкин. Бунинг учун Ш.Раҳматуллаев *қозоннинг қулоғи, чойнакнинг бурни* бирикмаларидаги *қулоқ, бурун* сўзларининг ҳосила маъноси ўз ифодаларидаги образлиликни йўқотганлигини мисол қилиб беради. Бу ўзбек тилидаги мазкур фикрни исботловчи фактдир”¹¹, – дея таъкидлаб ўтади. Бизнингча, образли тафаккур маҳсули ҳисобланган бу каби бирикмалар нутқда номинатив характерга эга бўлганлиги сабабли кўп қўлланилади, бу ҳолатга сўзловчи ва тингловчи тафаккури ҳамда нутқи кўникма ҳосил қилиб, уни оддий ҳолдек қабул қилади. Аммо барибир уларнинг “томир”ида образлилик яшайверади.

Профессор Н.Маҳмудов ўхшатишлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида тўхталар экан, уларни “...ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади”¹², деб таъкидлайди. Олимнинг фикрича, ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар, яъни фразеологик ибораларнинг компаратив тури “...халқнинг ўзига хос кўриш ва идрок йўсини, образли тафаккур ва тахайюл интизомини ҳам акс эттиради”¹³. Дарҳақиқат, образли тафаккурнинг ифода шаклларида бири ҳисобланган ўхшатишлар шу халқнинг ўзлиги мужассам бўлган тафаккурида туғилади ва тилида яшайди. Зеро, “...халқнинг тийнати ва табиатини, руҳияти ва менталитетини тилдан айро ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тадқиқ этиб ҳам бўлмайди. Тилдаги бирликларда, айникса, образли сўз,

⁹ Арутюнова Н. Д. Кўрсатилган асар. – Б. 19.

¹⁰ Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – С. 56.

¹¹ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 142.

¹² Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 161.; Шу муаллиф. Ўхшатишларда миллий менталлик жозибаси. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2019. – № 2. – Б. 5-8.

¹³ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 161.

образли ибора-ифодаларда халқнинг ментал ўзига хослиги у ёки бу тарзда инъикосини топади. Зотан, бундай образли ифодалар халқнинг образли нигоҳи, идроки ва тафаккури маҳсули ўлароқ дунёга келган”¹⁴. Бизнингча ҳам, образли тафаккур инсониятнинг дунёни англашдаги илк универсал билиш қуроли бўлган. Кейинчалик эса халқлар элат, миллат каби этник бирликлар шаклида яшаб, ўз образли тафаккурига миллий руҳи, маданияти ва қадриятини сингдириб борган.

Профессор Д.Худойберганова эса ўзбек тилидаги матнларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳақида тўхталар экан, тасаввур асосидаги матнлар доирасида кенгроқ маълумот бериб, бундай матн турлари “матн яратилиши жараёнига образли тафаккурнинг таъсирини яққол кўрсатувчи ҳодисалардан бириди”¹⁵, – деб таъкидлайди. Олиманинг фикрича, бундай матнлар “...оламни образли тафаккур призмасидан ўтказиб тасвирловчи бадиий адабиётда...”¹⁶ кенг қўлланади. Хусусан, олиманинг “Ўзбек халқ мақоллари, иборалар, турғун ўхшатишлар, нутқий этикетлар, топишмоқларда ҳам халқимизнинг образли тафаккури, воқеликни тил воситасида қабул қилиш ва ифодалашнинг ўзига хос жиҳатлари ёрқин намоён бўлади”¹⁷, – деган фикрлари жуда ўринли. Зеро, инсон образлар воситасида оламни идрок этар экан, унинг тафаккури ўзи дахлдор миллат маданияти, турмуш тарзи, анъаналарининг “оби ҳаёти” билан тўйинган бўлади. Гарчанд образли тафаккурга универсаллик табиати хос бўлса-да, барибир инсонни ўраб турган миллий-маданий муҳит унинг тафаккурида акс этмай қолмайди. Шу сабабли олима маданият кодлари хусусида фикр юритиб, шундай хулосага келади: “Маданият кодлари тилда, асосан, халқнинг образли тафаккурини намоён этувчи мақол, ибора, турғун ўхшатиш, метафора, қарғиш, дуо ва олқишлар каби лингвомаданий бирликларда инъикос этади”¹⁸.

М.Йўлдошев “Бадиий матн лингвопоэтикаси” монографиясида тил ва тафаккур уйғунлигини эътироф этар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Албатта, дунёни билишнинг асосий йўли бўлган мантиқий тафаккур бўладими, оламни идрок этишнинг бошқа бир ўзига хос усули бўлган образли тафаккур бўладими, барибир, тил ва тафаккур диалектикаси ҳамиша мавжуддир, яъни тилсиз тафаккурнинг, тафаккурсиз эса тилнинг яшаши мумкин эмас”¹⁹. Дарҳақиқат, тил ва тафаккур муносабати асрлар давомида баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келаётган абадий муаммодир. Бизнингча, у муаммолигича қолади. Чунки инсоннинг моддий аъзоларидан саналган юрак доимо руҳий ҳисобланмиш қалб билан, моддий саналган мия эса ижтимоий-руҳий ҳисобланмиш онг, тафаккур билан уйғундир. Руҳ билан алоқадор нимаики бор бўлса, у аксарият ҳолларда сирли бўлиб қолмоқда.

Ш.Махмараимова образли тафаккурнинг воқелантирувчи шаклларида бири ҳисобланган метадоралар хусусида фикр юритар экан, уларни “оламни билишнинг бош мезонларидан бири, ...эгалланган билимнинг репрезентациялашувида энг мақбул ва самарадор восита”²⁰ сифатида тилга олади. Олиманинг “метафора инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида мавжуд: унинг фикрлаши, кузатувлари ва умуман, ҳис этиб идрок этиши – барча-барчаси метафорик хусусиятлидир”²¹ деган фикрларига қўшилган ҳолда қуйидагиларни ҳам эътироф этишни лозим топдик. Бизнингча, олам ва одамнинг яратилиш жараёнининг ўзи метафорикдир. Қиёсланг: дарахт мевалари – одам фарзандлари, табиат фасллари – жонзотларнинг умр босқичлари ва ҳ.з. Бугунги кунга қадар гоҳ лингвистик, гоҳ фалсафий ҳодиса сифатида талқин қилинаётган метафора

¹⁴ Маҳмудов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 167; Шу муаллиф. Ўхшатишлар ва миллий образ. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3.

¹⁵ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 118.

¹⁶ Кўрсатилган асар. – Б. 120.

¹⁷ Худойберганова Д. Тил. Тафаккур. Маданият. – Тошкент, 2020. – Б. 8.

¹⁸ Худойберганова Д. Кўрсатилган асар. – Б. 31.

¹⁹ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 6.

²⁰ Махмараимова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019. – Б. 121.

²¹ Махмараимова Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 121.

образли тафаккур маҳсули саналар экан, тафаккур, юқорида таъкидланганидек, руҳий оламга дахлдор идеалликдир.

Хуллас, образли тафаккур инсониятнинг универсал тафаккур шакли саналиши билан бирга, муайян халқнинг мақол, ибора, турғун ўхшатиш, метафора, қарғиш, дуо ва олқишлар, нутқий этикетлар, топишмоқлар каби лингвомаданий бирликларида инъикос этувчи, халқнинг ментал ўзига хослигини ифодаловчи ҳиссий-руҳий тафаккур шаклидир.